*Кино*

# «ЎҒИЛНИ ОРЗУ ҚИЛАМАН»

**дейди Голливуднинг юлдузи Деми Мур**



***Уни бутун дунё танийди. Голливуднинг энг бой арзандаси. Унинг ҳар бир роли учун продюссерлар 12 миллион доллар ҳақ тўлайдилар. Жуссаси кичкина бу латофатли аёл матонатли, тадбиркор ва истеъдодлидир. Голливуднинг ёрқин юлдузи Брюс Уиллиснинг рафиқаси бўлмиш Деми Мур бугунги кунда уч қизнинг меҳрибон онаси, фильмларда тинмай суратга тушади ва ҳар сафар мухлисларини лол қолдиради. Севги ва садоқатни, йўқотиш ва армонларни, иккиланиш ва муросасизликни ифода этувчи қаҳрамонлари ила актриса янгича чизгилар ва услублар устида мунтазам изланади.***

Деми Мур 1962 йил 11 ноябрда дунёга келди. У болалигида жуда нимжон ва касалманд қизча эди. Онаси — омади юришмаган актриса Виржиния Гинес қизи Демини ёлғиз ўзи боқиб катта қилди. Ҳаётда ниҳоятда беқарор онасининг мунтазам ичкиликка берилганлиги, у шаҳардан бу шаҳарга кўчиб юришлар вояга етган ўн етти ёшли Демини жонидан тўйдириб юборади. Ва у рок мусиқачиси Фрэди Мурга турмушга чиқиб, онасининг уйини тарк этади. Бироқ, уларнинг турмуши узоққа чўзилмади. Гарчи ёшлар тезда ажрашиб кетишган бўлса-да, Деми собиқ эрининг Мур фамилиясини сақлаб қолди.

Кинога эса Деми Мур онаси туфайли кириб келди. Аввалига эпизодик роллар эжро этди. 1965 йилда кинорежиссёр Жоэл Шумахер ёш актрисани «Илоҳий Эльма алангалари» фильмига таклиф этди. Деми Мур мазкур фильмда Джулз исмли қиз образини яратди. Айнан шу фильмда Деми Мур актёр Эмилио Эстевес билан танишади.

Икки йил ўтгач, режиссурага илк бор қўл урган Эмилио Деми Мурни ўзининг «Уиздом» деб номланган фильмида суратга олади. Деми салмоқли ролларга ҳам қодир актриса эканлигини исботлади. 1987 йилда Деми Мур актёр Брюс Уиллисга турмушга чиқади ва ҳаётини янгитдан бошлайди.

Актрисанинг шуҳрати Америкада тобора орта борди. Лекин бизнинг томошабинларимизга у бутунлай нотаниш актриса эди. Фақат 1990 йилга келиб томошабинларимиз унинг моҳирона ижросидан баҳраманд бўлдилар. Бизнинг экранларимизда катта муваффақият билан намойиш этилган «Руҳ» фильмидаги Деми Мур ижро этган Молли исмли ҳайкалтарош қиз образи тўлақонлиги билан ажралиб турарди. Кинорежиссёр Джерри Цукернинг «Руҳ» фильмида Деми Мур Патрик Свейз ва Вуни Голберг сингари таниқли актёрлар билан биргаликда суратга тушди. Деми қаҳрамонига нафис ва ёрқин чизгилар беради. Моллининг иккиланиш ва изтиробларини ишонарли талқин этади.

Мазкур фильмдаги иштироки Деми Мурни Голливуднинг юлдузлар шоҳсупасига олиб чиқди. Ли Кертис, Мишель Пфайфер, Джулия Робертс — бу машҳур киноюлдузлар қаторида эндиликда Деми Мурнинг ҳам номи бор.

«Ўлим ҳақида ўйлар» фильмида Деми Мур турмуш ўртоғи Брюс Уиллис билан бирга ўйнади. Уларнинг ҳаёти ҳақида ҳар хил мишмишлар юрарди: бу икки машҳур киноюлдуз тезда ажралиб кетишади, лекин бу миш-мишлар асоссиз бўлиб чиқди. Брюс Уиллис Деми Мурга уйланганидан кейин ичишни ташлади, ижодга берилиб, шон-шуҳратга эришди. Деми эса кундан-кун очилиб, бирин-кетин фильмларда суратга туша бошлади. Унинг гонорарлари тобора орта борди, таклифларнинг кети узилмасди.

«Қассобнинг хотини», «Жиддий хавотирлик», «Бир нечта ажойиб йигит» фильмлари кутилган натижага эришмаган бўлса-да, актрисанинг ижодидаги янги қирраларни очиб берди.

Деми Мур қатнашган «Беадаб таклиф» фильми катта шов-шувга сабабчи бўлди. «Тўққиз ярим ҳафта» фильмининг режиссёри Адриан Лейн айнан соҳибжамол ва назокатли Демини янги фильмига таклиф этгани бежиз эмас. Чунки актриса қаҳрамонига хос хислатларни табиий ифодалашга, хоҳ у салбий, хоҳ ижобий роль бўлсин, самимий ижро этишга ҳаракат қилади.

«Беадаб таклиф» фильмида актриса Деми Мурни кўрган томошабин қадди-қомати келишган соҳибжамол бу аёлнинг икки фарзанднинг онаси эканлигига ишонгиси келмайди. Шуниси қизиққи, шу фильмдан кейин Деминнинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа содир бўлди: у яна қиз кўрди.

Режиссёр Барри Левинсоннинг «Фош этилган таҳдид» фильмида Деми Мур ўта маккор ва мансабпараст Меридит Джонсон исмли аёл образини талқин этди. Майкл Дуглас ва Деми Мурнинг мазкур фильмдаги ижроси ҳар қандай таҳсинга сазовор.

Айнан шу фильмдан кейин Деми Мурга фақатгина келишган ва назокатли қаҳрамонларини эмас, балки зиддиятларига бой, ҳаётнинг турли зарбаларига учраган, лекин иродаси букилмаган аёллар образини ҳам таклиф эта бошлашди. «Алвон ҳарф» фильмидаги Деми Мур ижро этган Эстер Прин образи ана шулардан бири. Эстер ёш руҳонийни севиб қолади ва ундан фарзанд кўради. Муҳаббатини ҳимоя қилишга қодир бу жасур аёл кўп ҳақорат ва таҳқирларни бошидан кечиради, лекин ғурури ва соф туйғуларини асраб қолади. «Алвон ҳарф» фильмининг сценарийси айнан Деми Мур учун ёзилган.

Рақобатга асосланган Америка кино оламида барқарор бўлиб қолиш, шуҳрат мавқеини сақлаб қолиш анчайин мушкул. Деми Мур бугунги кунда айнан камолот палласида. Тарихий ва замонавий қаҳрамонлари, кечинмаларини ўзига хос ижро услубида ифода эта олган Деми Мур яна бир қатор янги фильмларда суратга тушмоқда.

Суратга олиш ишларидан бўш вақтларида Голливуднинг энг бахтиёр оилаларидан бири Деми Мур ва Брюс Уиллис тинч, хотиржам ҳаёт кечирадилар. Айдахо штатидаги шинамгина ва файзли ранчода уч қизни тарбияламоқдалар.

— Оиламизда ўғил туғилишини жуда хоҳлайман, — дейди Деми Мур. — Уччала қизим ҳам отасини яхши кўришади. Онасини жони дилидан севадиган ўғил ҳақида орзу қиламан.

*Феруза НОДИРОВА.*

*Малҳамлар*

# АНЖИР ШУНДАЙ МЕВАКИ...

***Анжир — бўйи 8-10 метргача бўлган ярим дарахт ёки бута. Барги йирик, тухумсимон, уч-беш бўлакли, банди билан пояда кетма-кет ўрнашган. Гуллари майда. Илдизи кучли ривожланган. Меваси ноксимон, юмалоқ ва бошқа кўринишда бўлади. Анжир икки уйли ўсимлик тоифасига киради. Республикамиз вилоятларида кўплаб экилади ва халқимиз суйиб истеъмол қилишади.***

Анжир меваси таркибида қанд, лимон, олма, сирка кислоталари, дармондорилардан С, В1, В2, каротин, калий тузлари, фосфор, магний, темир сақлайди. Турлича ферментлар ҳам бор.

Анжирнинг энг яхшиси оқи, сўнг қизили, ундан кейин қора ранглигидир.

Табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино ўз асарида шундай ёзган:

«Тоза пишган анжир деярлик зарар етказмайди, бироқ унда дам қилиш хусусияти бор. Анжирнинг сути суюлган қон ва сутларни қотиради ва қотган нарсани эритади... Анжирнинг хомини, баргини хол, сўгал ва буларнинг ҳар хил турларига, доғларга суртилади. Чипқонларни пиширади. Баргидан олинган суви бадандаги сунъий нақшнинг изларини кетказади, мумли суртма билан қўшиб ишлатилса, совуқдан ёрилганда фойда қилади».

Унинг қайнатмаси билан ғарғара қилинса, томоқ ва қулоқ ости шишларига фойда қилади. Анор пўсти ва калла қанд билан қўшиб қайнатилгани милкак учун фойдалидир. Баргининг қайнатмаси хантал кўпигига қўшиб қичимага суртилади. Барги темираткига, эшак емга, қуюқ рутубатли яраларга қарши ҳам қўйилади. Хом анжирни толқон қилиб, бош яраларига сепилса тузатади. Анжирнинг сутини асал билан қўшиб, кўзнинг пардаларидаги суюқликка қарши, катарактанинг бошланишига малҳам бўлади.

Анжирнинг шарбати сутни кўпайтиради. Анжирнинг сутини чаён ва қорақурт чаққан жойга ишқаланса наф беради. Хомини ёки янги япроғини қутурган ит тишлаган жойга қўйилса, фойда қилади. Таркибида калий борлиги учун юрак-қон томир тизими хасталикларида даво бўлади.

Анемия — камқонликда янги узиб олинган меваси қўлланилади. Анжир барги газанда ўти билан бирга аралашмаси ичбуруғда ишлатилади. Қабзиятда пешоб ҳайдовчи, гастритда қўлланилади. Таркибида бор бўлган фицин ферменти туфайли қон-томир хасталикларида — қон қуйқумида яхши малҳам бўлади.

Таом ҳазмини яхшилаш хосияти бор. Анжирни қанд касалига мубтало бўлганлар, подагра хасталигида, ошқозон-ичак йўли ўткир шамоллашида истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

*Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.*

*Билосизми?*

# МАШИНАГА НОМЛАР ҚАНДАЙ ҚЎЙИЛАДИ?

***Машина яратилгандан сўнг унга ном бериш керак бўлади. Хўш, шуям муаммо бўптими, дерсиз. Муаммо бўлганда қандоқ. Майда-чуйдадек туюлган бу жараён Америка Қўшма Штатларида 50 минг доллардан 200 минг долларгача туришини билсангиз эди... «Ю-ЭС-ЭЙ тудэй» газетасининг маълумотларига қараганда, бу «касб» билан... бутун бошли фирмалар шуғулланишаркан...***

«Бу иш шундайки, бунда сўзлар билан ишлашга тўғри келади», — дейди Сан-Францискодаги «Нэйм Лэб» («Исмлар лабораторияси»)нинг асосчиси Айра Бахрэч, «Уларнинг айримларига баъзан ўн, гоҳида юз миллионлаб долларгача нарх қўйилади...»

Хуллас, машиналарнинг номлари турли-туман ва хилма-хил бўлиб, уларда ҳайвонлар ва уларнинг сифатлари, характерлари, шунингдек, жўғрофий атамалар ўз ифодасини топади. Мисол учун «Форд Мустанг» автомобили. Нега энди унинг номи келиб ана шу ҳайвон номига қўйилган? Бу шундан далолат берадики, аввало машина спорт услубида яратилган, қолаверса, «асов от»дек «қайтмас» ва «интилувчан»лик фазилатларига эгадир. «Форд» гуруҳидаги яна бир автомобиль — «Форд-Торус» конструкторларнинг фикрига қараганда, «Бузоқдек шиддатли»лиги билан ажралиб туради. «Тойота Торсел» эса исми жисмига монанд бўлиб, «қийғир (қарчиғай)дек узоққа интилади». «Дадже Вайпер» эса шамолдек елиб бораётиб, гўёки бошқа машиналарни огоҳлантириб тургандек: «Эҳтиёт бўлларинг, мен боряпман...» Худди қора илоннинг ўзи дейсиз.

Кўпинча машина русумлари жўғрофий номлар билан боғлиқ бўлади. Уларни ўқиб туриб, дунё бўйлаб саёҳат қилгандек бўласиз. Бир зумда Корсика («Шевроле) ёки Капри («Меркьюри») оролларига, Дейтон шаҳри — Дакота («Додж») штатига, Нью-Йоркнинг нуфузли кўчаларидан Парк-Авеню («Бьюик») ва ҳатто Эльдорадо («Кадиллак»)га бориб қолганингизни билмай қоласиз!..

Лекин бир-биридан қизиқ ва ғаройиб автомобиль исмлари топағон муаллифларининг фантазиялари зоология ёхуд жўғрофия билангина чекланиб қолмайди. Аксинча...

«Хонда Акура» ҳайдовчининг, яъни ўз соҳибининг буйруқларига аниқ ва пухта бўйсунишига ишорадир.

Ҳашамдор автомобиллар сирасига кирадиган «Ниссан инфинити» эгасига бир умр хизмат қилишга шайлигини эслатиб тургандай. «Шевроле Корветт»ни бамисоли жанговар кема дейсиз, «Тойота Королла» эса ниҳоятда «сезгир» машина... Спорт услубида яратилган, унча катта бўлмаган юк машинаси «Дж МС Джимми» эса ўз номини ҳайдовчилар жаргонидан олган.

... Ўз даврида Генри Фрод II шоира Марина Мурни автомобиль қиролларига хизмат қилишга таклиф этади. Шоира янги моделларга атаб, ажойиб ва ғаройиб номлар ўйлаб топади. «КУМУР ҚИЛИЧ», «Тошбақа косаси», «Эгилувчан ўқ» ва ҳоказо. Лекин бу «ном»лар корпорация соҳибига маъқул бўлмайди. Машиналарни кўпгина — ота-бола исмлари мужассамлашган ном билан «Эдсел» деб атай бошлайди. Бироқ бу номни кенг жамоатчилик яхши қабул қилмайди. Шу тариқа йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариб олиш имконияти туғилади.

Бизнинг кунларимизга келиб, бу жараённинг ўзига хос қонун-қоидалари ишлаб чиқилган. Аввало дизайнерлар, муҳандислар, корпорация раҳбарлари, реклама-тижорат агентликлари, фирма («Нейм Лэб»га ўхшаган)ларнинг консультантлари ўн-йигирмата эътиборни жалб қиладиган номларни танлайдилар. Шундан сўнг социологлар мамлакат (яъни АҚШ)нинг турли туманларида салоҳиятли ва нуфузли харидорлар ўртасида сўров ўтказадилар. «Ушбу номни эшитгач, миянгизга қандай фикр келади?» Қайси ном, қайси марканинг «бозори чаққон»лиги эса савдо мутахассисларига беш қўлдек аён. Ана шундай қилиб, кўрибсизки, конвейердан «машҳур» машина чиқиб турибди-да!..

*Хориж матбуоти асосида Мирзаали АКБАРОВ тайёрлади.*



*Пойтахтимиз кўчаларида.*

*Рашид Галиев олган сурат.*

*Мавзуга қайтиб*

# СУВДА БОЛАЛАР ВА... ИТЛАР

Эртакларда кишининг ҳавасини келтирувчи «Булбулларнинг хониши, сайроқи қушларнинг жарангдор, ёқимли овози билан шаҳзода уйқудан уйғонибди...» деган сатрларни ўқий туриб бизнинг кўп қаватли уйда турадиган қўшниларимнинг ҳам, ўзимизнинг ҳам ҳар тонгни шу яқин ўртадаги хонадонларда «яшовчи» итларнинг акиллашидан чўчиб уйғониб кутиб олаётганимиздан ранжиб кетаман.

Биз яшайдиган кўп қаватли уй Фурқат номли маданият ва истироҳат боғининг ёнгинасида жойлашган. Ўртада Қорасув ариғи бор холос. Худди уйимиз тўғрисидаги ариқ бўйига кунига эрта саҳарлаб ит ишқибозлари йиғиладилар. Улар ўз итларини шу сувда чўмилтирадилар, ўйнатадилар, хуллас, кўнгиллари жойига тушиб уйларига қайтадилар.

Орадан кўп ўтмай шу ерга яқин маҳаллаларнинг болалари йиғилишади. Бу ерда чўмилишга рухсат берилганми, берилмаганми, уларга фарқи йўқ. Чўмиладилар, итлар юрган жойларга кийимларини ечадилар, охири шундай иссиқда ҳам шу ердаги хас-ҳашак ва дарахтларнинг шох-шаббаларини ёқиб кундузги гулханда кийимларини қуритадилар.

Гоҳида анҳор бўйини кезиб юрган итлар ҳам болаларга қўшилиб чўмилаверади. Ифлос сув болаларнинг қулоқ-бурунларига-ю, оғизларига бемалол кириб чиқаверади. Ёққан гулханларининг тутуни эса ўша ерда яшовчиларни заҳарлаётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Бу ҳақда ҳудуд нозирига ҳам бир неча бор айтилган бўлишига қарамай улар ҳеч қандай чора кўришаётгани йўқ. Боғ маъмурияти эса кўриб кўрмасликка олади.

Ҳангоманинг энг «қизиғи» кечки пайт бошланади. Энди бу ерга аёллар, эркаклар, болалар тизилишиб салқинлагани келишади. Атрофда хонаки итлар дайдиб юради. Кейин оммавий чўмилиш бошланади.

Шу ерда яшаётганимизга ўн бир йил бўлибдики, ҳамиша шундай аҳвол.

Ит етаклаган хонимларга жамоат тартибининг ўзига хос қонун-қоидалари ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса демаслиги қизиқ...

*Шарифа БАҲРОМОВА.*

*«02»*

# «ОВИ» ЮРМАДИ

1979 йилда туғилган Саша Тараз шаҳридан автобусда Тошкент автовокзалига келиб тушгач, ўзича қониқиш ҳосил қилиб қўйди. Чунки эрталабки соат 4—5 ларда қайси милиционер автовокзалда юради дея ўйлаганди. Зеро, одамларнинг кўпчилик қисми ҳали уйқудан турмаган, транспорт ҳаракати бошланишига ҳали вақт бор эди...

Чилонзор тумани ИИБ муниципал бўлинмаси милиционерлари, милиция кичик сержанти Бахтиёр Избосаров ва милиция сержанти Баҳодир Мамбеталиевлар бу пайтда шу яқин атрофда ўз хизмат бурчларини ўташарди... Улар автобус келганини пайқаб ундан тушган одамларни кўздан кечира бошлашди.

Сашанинг милиция ходимларига ногаҳон кўзи тушгач, ўзини одамлар орасидан четга тортди. Б. Избосаров унга яқинлашиб, шахсини тасдиқловчи ҳужжат сўради.

С. Хан ёнида ҳеч қандай ҳужжат йўқлиги, ўзи Сергели туманида яшаши, Тараз шаҳридаги қариндошлариникига бориб қайтаётганини айтди.

Барибир милиционерлар унга ишонишмади. Шахсини аниқлаш учун бирга боришини айтишди. У хизмат хонасига киргач, бутун сирлар ошкор бўлди.

Чунки С. Хан айтганидек, Сергели туманида яшаши аниқ бўлди-ю лекин елим халтачасидан ўткир таъсир этадиган гиёвандлик моддаси чиққанида нима дейишини билмай аҳволи танг бўлиб қолди.

Зудлик билан ўтказилган экспертиза таҳлили эса гиёвандлик моддасининг 100 грамм миқдорда эканлигини аниқлади.

Ҳозирча С. Хан марихуанани ўзи истеъмол қилишини айтди, холос, қолганларини тергов аниқламоқда.

*Ортиқ МАҲМАЮСУПОВ.*

*Ибратнома*

# ВИЖДОННИ БЕКИТИБ БЎЛМАЙДИ

*• Мен сизларга кўнгил хотиржамлигини, сиҳат-саломатликни тилайман, қолганларини пулга сотиб олса бўлади.*

*• Бетоб кишидан унинг тобини сўраш не ҳожат.*

*• Тентак ўзини ҳар доим дунёда энг ақлли деб ҳисоблайди.*

*• Ҳақиқатни бошқалардан бекитиш мумкин, аммо виждонни ҳеч кимдан беркитиб бўлмайди.*

*• Бармоқ билан ўзгаларни кўрсатиш катта хизмат эмас.*

*• Ўтмишни қоралашга кўп ақл керак бўлмайди.*

*• Сабр ўзи нима? Борига шукр қилиб, йўғини яратишдир.*

*• Инсонлар фақат тинчликдагина бахтли бўлишади.*

*• Оч кишига қотган нон ҳам асалдан ширин туюлади.*

*Николай ТЯТОВ.*

*Томорқа*

# КУРТАК ПАЙВАНД

***Боғбон учун йилнинг ҳар бир палласи ғанимат. Айни дамларда боғларимизда пайвандлаш ишлари бошланди.***

Олма, нок, беҳи, ўрик, шафтоли, гилос, олча, олхўри, бодом каби мева кўчатларини асосан куртак пайванд қилиш йўли билан кўпайтирилади. Куртак пайванд август-сентябрь ойларида уйқуда ётган, март-апрель ойларида эса ўсаётган куртак билан пайванд қилинади. Бунда йўғонлиги 8—12 миллиметрга етган ҳамма мева пайвандтагларини куртак пайванд қилишдан олдин ер сатҳидан 20-25 сантиметр баландликда танадан ўсиб чиққан ён новдачалардан тозаланади ва нам латта билан артилади. Пўстлоғи яхши кўчиши учун пайвандтаглар, қаламча олинадиган дарахтлар яхшилаб суғорилади.

Куртак пайванд қилиш учун она дарахтларнинг касалланмаган, серҳосил тупларидан, шу йили ўсган бир йиллик новдаларидан қаламчалар тайёрланиб, улардаги барглар кесиб ташланади. Фақатгина пайвандустларда (қаламчаларда) кесилган баргларнинг барг бандидан 34 миллиметр узунликда барг банди қолдирилади. Пайвандтагнинг илдиз бўғзидан 4-5 сантиметр баландликда пўстлоғда «Т» шаклида кесик пайдо қилиб, худди шу кесикка 2-2,5 сантиметр узунликдаги қаламчалардан қирқиб олинган куртаклар жойлаштирилади. Сўнгра 25-30 сантиметр узунликдаги полиэтилен ёки хўлланган латта билан кўзнинг пастки ва юқори қисмидан ўраб 2 марта боғланади. Бунда куртакни очиқ қолдириш керак. Пайванд қилиш учун қаламчаларни шу куни дарахтлардан қирқиб олинса яхши. Куртак пайвандни эрталаб ва кечки салқин пайтларида ўтказиш тавсия этилади. Қаламчалар кўп бўлса уларнинг таг қисми сувда туриши керак.

Куртак пайванд қилингандан кейин пешма-пеш тағин сув берилади.

12—14 кун ўтгач куртак пайвандларнинг тутган-тутмаганлиги кўздан кечирилади. Бунда тутган куртаклар кўк ҳолда бўлиб, 3-4 миллиметр узунликдаги барг бандига бармоқни теккизилганда, у ерга тушиб кетади. Қуриб қолган куртак эса қовжираб қолади, барг банди унга қаттиқ ёпишиб ажралмайди. Тутмай қолган куртаклар ўрнига олдин куртак пайванд қилинган пайвандтагнинг қарама-қарши томонининг баландроқ қисмига шу заҳоти, агар мавсум ўтиб қолган бўлса, худди шу усул бўйича баҳор фаслида ўсувчи куртак билан қайта куртак пайванд қилинади.

*Маҳдий РАЗЗОҚОВ, Шредер номли мевачилик, узумчилик ва виночилик институти ходими.*

**Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ**


# ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент оқшоми

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.*

*Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

***Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.***
***Факс: (3712) 133-29-09.***
***МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 202, 202-«а», 206-ХОНАЛАР.***

• Акмал Икромов туманидаги «Муҳамад-А» хусусий фирма тугатилади. Эътирозлар эълон чиққан кундан бир ой давомида қабул қилинади.

• Бошлиқ 2/5 даҳада 2 хонали уй сотилади. Т. 50-34-08.


«Ўзёғочқоғозсавдо» ҳиссадорлик жамиятининг «Ўрмонқоғозсервис» брокерлик фирмаси жамиятнинг бош мутахассиси **Кароматт ЭРГАШЕВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг турмуш ўртоғи ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


Тошкент оқшоми — Toshkent oqshomi

**Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

**Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

***Телефонлар:* *хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.***

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690*

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.


Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0583. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ 5.652 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.